# Ш А Р Т Н О М А № 40

( Товар-моддий бойликлар, хом-ашё ва материаллар сотиб олиш, хизмат кўрсатиш хакида )

«28» 09 2022 йил Риштон тумани .

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома Низом асосида фаолият юритувчи **“OFFICE PLUS” Х/К** номидан рахбар **Б. Рузиматов** (кейинги ўринларда **«махсулот етказиб берувчи »** деб аталади) биринчи томон ва иккинчи томон - Ўзбекистон Республикаси Конунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Риштон тумани халк таьлими булимига қарашли 9,14,17,19,20,27,30,41,45,49,51,55,58,62,2-ИДУМ мактаблари номидан** рахбари **Ш. Мадаминов.**(келгусида **«Харидор»** деб аталади) ўрталарида куйидаги максадларда тузилди

## I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. « **махсулот етказиб берувчи** » ўзига тегишли бўлган мол-мулкни сотиш, « **Харидор** » эса кабул килиб олинган махсулот еки товар (курсатилган хизмат) учун туловларни белгиланган тартибда амалга ошириш мажбуриятини оладилар.

## II. ШАРТНОМА НАРХИ

2.1.

| № | Товарнинг номи | Ўлчов бирлиги | Микдори | Нархи | Суммаси |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **Ноутбук** ( Core i3-10110U/ DDR4 4GB/ HDD 1TB/ 15.6 FHD LCD/ Integrated UHD Graphics/ No DVD/ DOS/ RU) | Дона | 1 | 6 000 000 | 6 000 000 |
| 2 | **Принтер МФУ** (A4, струйное МФУ, 15стр/мин, 5760x1440dpi, 4краски, USB2.0) | Дона | 11 | 3 700 000 | 40 700 000 |
| 3 | **Ноутбук** (Intel Celeron N4020/ DDR4 4GB/ HDD 1000GB/ 15.6 HD LCD/ Intel UHD Graphics/ No DVD/ DOS/ RUS) | Дона | 3 | 4 300 000 | 12 900 000 |
| 4 | **Компютер** MB H61 (new). CPU-i3 , DDR-4GB 1600Mhz, Монитор-22, HDD 500GB | Дона | 2 | 4 200 000 | 8 400 000 |
| | **Жами** | | | | 68 000 000 |

**Товарларнинг шартномавий умумий бахоси: 68 000 000( Олтмиш саккиз миллион) сўм**

2. Хисоб-китоб шартлари:

*2.1 « **махсулот етказиб берувчи** » махсулотни етказиб берганидан сўнг, узаро солиштирув далолатномаларига асосан, етказиб берган махсулот киймати учун «Харидор» пул ўтказиш йули билан тўловни амалга оширади. «Харидор» «Ишлаб-чикарувчи» нинг хисоб ракамига олдиндан 30% микдорида маблаг утказиб беради ва махсулот тўлиқ етказиб берилгандан сўнг 70 % қисмини ишлаб чикарувчи хисоб рақамига 20 календар иш кунида ўтказиб беради.*

2,2 Давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида курсатилган хизматларнинг белгиланган нархлари юкори деб топилса, ушбу фарк «Ишлаб-чикарувчи» зиммасидан копланади. Ишлаб чикарувчилар учун махсулотнинг калькуляцияси ва бахолар прейскуранти асосида нарх белгиланади.

2.3 махсулот етказиб берувчи харидор томонидан аванс маблаглари тулаб берилгандан сунг 10 кун мобайнида махсулот етказиб беришни амалга оширида.

**3.Махсулот етказиб бериш:**

3.1» махсулот етказиб берувчи » шартномада белгиланган махсулотларни шартноманинг 1,3 бандидаги таксимотномага асосан етказиб беради ва транспорт харажатларини ўз зиммасига олади.

**4. Томонлар хукуки ва мажбурияти:**

4.1. « махсулот етказиб берувчи » «Харидор» томонидан юборилган вакил, муассаса рахбари ва бош хисобчи томонидан имзоланган, хамда юмалок мухр босилган ишонч коғози кўрсатгандан сўнг махсулот беради.

4.2 «Харидор» курсатилган хизматларини шартнома талабларига номувофиклигини аниклаган холда, «Ишлаб-чикарувчи»га ёзма далолатнома (АКТ) юборади, хамда сифатсиз деб топилган хизматлар учун «Ишлаб-чикарувчи»га хак туламайди..

4.6. « махсулот етказиб берувчи » «Харидор»га унинг ишонч когозида кайд килинган хизматларни курсатади. Агар « махсулот етказиб берувчи » томонидан «Харидор»нинг ишонч когозида курсатилмаган хизматларни, ёки хизматларни ишонч коғозида белгиланган микдоридан ортик курсатган холларда, бу хизматлар учун «Харидор» томонидан хак туланмайди.

4.8.» махсулот етказиб берувчи » етказиб берган мебел жихозларини хисоб-варакларда тўлик ва аник номини, категориясини ва бошка кўрсаткичларини кўрсатиши шарт. Шунингдек, хисоб-вараkларни белгиланган тартибда ракамлаб, тўлик расмийлаштириши шарт. Тулик расмийлаштирилмаган хамда хизматлар сифати, категориялари кўрсатилмаган хисоб-вараклар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

**5. Тарафларни жовобгарли**

5.1 Агар «махсулот етказиб берувчи » томонидан «Харидор»га сифатсиз, ёки муддатлари ўтиб кетган хизматлар курсатилган ҳолда «Харидор» « махсулот етказиб берувчи »дан бундай хизматларни умумий кийматидан 05 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб утилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима кўлаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.
5.2 Агар « махсулот етказиб берувчи » томонидан «Харидор»га белгиланган хизматлар белгиланган муддатларида бажариб берилмаса, « махсулот етказиб берувчи » муддатди ўтган хизматларни умумий кийматини 0.04% ҳар бир муддати ўтган куни учун «Харидор»га жарима тўлайди.
5.3 Жарималар тўланиши « махсулот етказиб берувчи »ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

## 6. ФОРС-МАЖОР.

6.1 Шартнома тузилгандан сунг бартараф этилиши томонларнинг таъсири ва истакларига боглик булмаган, вактинча ёки узок вакт шартномани зарур даражада амалга оширишга халакит берадиган вазиятлар содирбулганда, яъни табиий офатлар, нокулай об-хаво шароити, хукумат тадбирлари, хокимият органлари карорлари, харбий низолар, ички тартибсизликлар ва бошка холларда, юкорида айтиб утилган холатлар мавжудлиги туфайли томонлар тарафидан шартнома мажбуриятлари бузилган деб хисобланмайди ва шартнома мажбуриятларини бажариш муддатлари Ушбу холатлар давом этиш вактига сурилади.
6.2 Шартнома мажбуриятларини бажариш имкониятига эга булмаган томон, дархол иккинчи томонни юкоридаги холатларнинг юзага келганлиги, шунингдек бартараф этганлиги тугрисида хабардор килиши керак.
6.3 Бартараф этилиши мумкин булмаган вазиятлар содир булгани ёки улар бартараф этилгани хакида уз вактида 1,5 кундан куп булмаган муддатда хабар бермаган томон кейинчалик шартнома шартлари бажарилмаган такдирда, бу вазиятларни сабаб килиб курсата олмайди.

## 7. Шартнома муддати

7.1. Ушбу шартнома 2022 йил « 28 » 09 дан 2022 йил « 31 » декабргача 2 нусхада тузилди. Шартнома тарафлар томонидан имзоланиб, ғазначилик бошқармаси ( бўлими )да белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг қонуний кучга киради.

## 8. Низоларни хал этиш тартиби

8.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан иктисоди судлари оркали хал килинади.
8.2 Шартнома икки нусхада тузилиб, хар бир нусхаси тенг юридик кучга эга булиб томонларда бир нусхадан сакланади.

## 9КОРРУПСИЯГАҚАРШИКУРАШИШБЎЙИЧАТОМОНЛАРНИНГМАЖБУРИЯТЛАРИ

9.1.Шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришда томонлар коррупсияга қарши курашиш мажбуриятини оладилар меъёрий ҳужжатларга, шу жумладан амалдаги қонунларга риоя этилишини таъминлайди; яъни бир-бирининг томонлари ёки давлат мансабдор шахсига пора бериш ёки воситачилик қилиш, моддий ёки номоддий манфаатлардан қочиш керак. Томонлар бундай хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш учун чоралар кўрилишини кафолатлайди.
9.2 Коррупсияга қарши кураш қоидалари бузилганлиги ёки асосли шубҳа туғилганлиги тўьрисида томонлар дархол ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Бир-бирларини шахсан (електрон почта орқали) ёки ишонч телефони оркали хабардор килиш мажбурияти олади Бундай ҳолда, томонлар вазиятни аниқлаштириш учун ёзма тушунтиришни талаб қилишга ҳақли. Мулкдор ва мурожаатни қабул қилган томон 10 (ўн) иш куни ичида тушунтириш беришга ёки ўз фикрини билдиришга мажбурдир.
9.3 Ушбу бобнинг талаблари бажарилмаганда, шу жумладан коррупсия хавфини белгиланган муддатларда бартараф этилмаган тақдирда тарафлар томонидан кўрилган чоралар коррупсия ҳолатининг пасайишига олиб келади. Акс ҳолда, бошқа томон шартномани бекор қилишгаёки унинг бажарилишини тўхтатиб қўйишга ҳақли
9.4 Сотиб олувчига етказиб берилган махсулот учун барча тегишли ҳужжатларни тақдим этган ҳолда хисоб-варақни
Расмийлаштириш санаси Сотиб олувчи томонидан товарларни қабул қилиш куни ҳисобланади.
9.5 Ушбу шартноманинг барча шартлари календар кунидан кейинги кун ёки муддат бошланишини аниқлаган вокеа содир булган кундан бошлаб ҳисобланади

***Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва шартномага кўшимча битим имзоланган ҳолда конуний деб ҳисобланади.***

## 10Кушимча шарт

*Шартнома томонлар келишувига асосан, « **махсулот етказиб берувчи** » томонидан етказиб берилган мебел жихозлари «Харидор» томонидан сифатсиз деб топилганда ва «Ишлаб-чикарувчи» томонидан мазкур шарнтноманинг 4.1 , 4.2, 4.3. бандлари бажарилмаганда шартнома «Харидор» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Бекор килинган тўғрисида «Харидор» «Ишлаб-чикарувчи»га ёзма равишда, асосларни келтирган ҳолда хат билан маълум килади.*

**11 хукукий манзили ва банк реквизитлари.**

**« Махсулот етказиб берувчи »**

**"OFFICE PLUS" Х/К**

(мол етказиб берувчининг номи)

Манзил: Риштон шахри

Тел./факс:

Ҳисоб варақ: 20208000300898749001

Банк номи: Агробанк Риштон булими

МФО: 00519 СТИР: 305634250

ОКОНХ:

Раҳбар: Б. Рузиматов.

( имзо ) ( Ф.И.Ш )

М.Ў.

**« Харидор »**

**Риштон тумани халк таьлими булими**

( бюджетдан маблағ олувчининг номи )

Манзил: Рошидоний №14

Тел./факс91 110 91 45

ш/ҳ*:100022860302247092100075076

СТИР: **200181783** ОКЭД:

Риштон тумани бўйича Ғазначилик бўлинмаси

Ғазна х/в: 23402000300100001010

Банк номи:Марказий банк ХККМ Тошкент ш.Б.Б.

МФО: 00014 СТИР: 201122919

Раҳбар: **Ш. Мадаминов**.

( Ф.И.Ш )

М.Ў.

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

№RW7823668004

1. Loyihaning turi: SHARTNOMA № 40

2. Loyihaning nomi: Tovar-moddiy boyliklar, xom-ashyo va materiallar sotib olish, xizmat ko'rsatish to'g'risida

**"OFFICE PLUS"** xususiy korxonasi raxbari **B.Ruzimatov** va Rishton tuman xalq ta'limi bo'limi raxbari **Sh.Madaminovlar** o'rtalarida tuzilgan shartnoma.

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot:

Shartnoma loyihasi **"OFFICE PLUS"** xususiy korxonasi tomonidan ishlab chiqilgan va Rishton tuman xalq ta'limi bo'limi tomonidan markazga huquqiy ekspertizadan o'tkazish uchun 19.09.2022 yilda kiritgan.

4. Loyiha bo'yicha taklif:

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan.

Yuqoridagilarni inobatga olib, huquqiy ekspertizadan o'tkazish natijalariga ko'ra,

**XULOSA:**

Loyiha O'zbekiston Respublikasining 20.08.1998 yilgi "Xo'jalik yurituvchi sub'yektlar faoliyatining shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi qonuni hamda O'zbekiston Respublikasi Budjet kodeksining 122-moddasi 8-bandi talablariga muvofiq ishlab chiqilgan hamda uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Markaz bosh yuriskonsulti** **J.S.Xamraliyev**

«Тасдиқлайман»
**Риштон тумани Ҳалқ таълими бўлими мудири**

_________ **Ш. Мадаминов**

"28" 09. 2022 й.

**1.Кун тартибидаги масала:** Риштон тумани Халк таълими бўлимига қарашли **9,14,17,19,20,27,30,41,45,49,51,55,58,62,2-ИДУМ мактабларига асосий воситалар сотиб олиш учун ўтказилган электрон танлов** тўғрисида.

БАЁНИ № 8

| | |
|---|---|
| Комиссия раиси: | Ш. Мадаминов |
| Комиссия аъзолари: | А. Хонкулов |
| | Ж. Якубов |
| | Б. Акбаров |
| | Н. Махмудова |

Кун тартибидаги масала.

Йиғилишда Риштон туман Ҳалқ таълими бўлими мудири Ш. Мадаминов сўз очиб, Риштон тумани Халк таълими бўлимига қарашли **9,14,17,19,20,27,30,41,45,49,51,55,58,62,2-ИДУМ мактабларига асосий воситалар сотиб олиш учун ўтказилган электрон танлов** Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги қонун асосида шаффоф ва хаққоний ўтканлигини айтиб ўтди. Шундан сўнг, Ўзбекистон Республикасининг 684-сонли Давлат харидлари тўғрисидаги Қонунинг 62-модда 7-хат бошида кўрсатилганидек, Давлат буюртмачиси томонидан харид комиссиясига тақдим этилган муҳокама натижалари тўғрисидаги ахборот асосида харид комиссиясининг тегишли мажлис баённомаси расмийлаштирилади ва имзоланган кундан бошлаб уч иш куни ичида давлат харидларининг электрон тизимига жойлаштирилиши лозим эканлигини яна бир бор такидлаб ўтди. Муҳокама муддати якунига етгандан сўнг бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай этирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олган ҳолда йиғилиш хайъати:

**Юқоридагиларни инобатга олиб йиғилиш қарор қилади:**

1. Муҳокамама муддати якунига қадар бошқа қатнашчилар томонидан ҳеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлигини инобатга олиб **"OFFICE PLUS" Х/К** ни йиғилиш хайъати ғолиб деб эълон қилсин.

**2.** Ғолиб деб топилган қатнашчи **"OFFICE PLUS" Х/К** билан қонунчиликда белгиланган тартибда шартномаларни расмийлаштириб, маблағларни тўлаб бериш чоралари кўрилсин.

Ушбу қарорни бажарилиши устидан назоратни ўз зиммамда қолдираман.

Комиссия аъзолари: А. Хонқулов

Ж. Якубов

Б. Акбаров

Н. Махмудова